MANAGEMENT AND ECONOMICS SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

jild. 3 No 3 (2026)



MANAGEMENT AND ECONOMICS SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

MENEJMENT VA IQTISODIYOT ILMIY-TADQIQOT JURNALI

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ЖУРНАЛ МЕНЕДЖМЕНТА И ЭКОНОМИКИ

journals@timeedu.uz

+998 95 651 90 00

MANAGEMENT AND ECONOMICS
SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

+998 95 651 90 00
@tmii_journal
journals.timeedu.uz
journals@timeedu.uz
Shota Rustaveli ko'chasi, 114

BOSH MUHARRIR:
Narbayev Sharafatdin Kengeshovich

BOSH MUHARRIR O‘RINBOSARI:
Norbekov Shohzod Mamarasul o‘g‘li

TAHRIR HAY’ATI:

1. Sharipov Kongratbay Avezimbetovich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, t.f.d., professor.
2. Axmedov Xojiakbarxon Dilshatovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'limi boshlig’i, i.f.n., dotsent.
3. Gulyamov Saidasror Saidaxmedovich – O‘zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi, i.f.d., professor.
4. Xotamov Ibodullo Sadulloyevich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Iqtisodiyot kafedrasi i.f.n., professor.
5. Saidaxmedova Nodira Ilhomovna – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Iqtisodiyot nazariyasi kafedrasi, i.f.d., (DSc) professori.
6. Sultanov Mansur Qilichovich – O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi ekspertlar guruhi rahbari, t.f.f.d., dotsent.
7. Chertovitskiy Aleksandr Stepanovich – “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muxandislari instituti“ Milliy tadqiqot universiteti, i.f.d., professor.
8. Popkova Yelena Gennadyevna - Rossiya Federatsiyasi avtonom notijorat tashkiloti “Ilmiy kommunikatsiyalar institute” prezidenti, i.f.d, professor.
9. Dr Goh Khang Wen – Malaziyaning INTI Xalqaro universiteti prorektori.
10. Wang Cheng – XXR “Hebei Institute of Mechanical and Electrical Technology” instituti, i.f.f.d., dotsent.
11. Xakimova Nilufar Karimkulovna – O‘zMU huzuridagi Yarimo‘tkazgichlar fizikasi va mikroelektronika ilmiy-tadqiqot instituti PhD, katta ilmiy xodimi.
12. Yo‘ldoshev Nuriddin Qurbonovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Biznes boshqaruvi va moliya kafedrasi, i.f.d., professor.
13. Chariyev Kurban Amirovich Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Iqtisodiyot kafedrasi, i.f.d., professor.
14. Turakulov Otabek Xolmirzayevich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Akademik va ilmiy faoliyat bo‘yicha prorektori, t.f.f.d., dotsent.

15. Abduraimova Nigora Radjabovna – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Iqtisodiyot kafedrasi, i.f.f.d. dotsent.
16. Anarkulova Gulnaz Mirzaxmatovna – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi, i.f.n., professor.
17. Yakubov Sadirjan Bakiyevich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi, i.f.n., professor.
18. Kadirova Istora Bobirovna – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Karyera markazi direktori, i.f.f.d., dotsent.
19. Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti doktoranti, i.f.f.d., dotsent.
20. Mamatov Narzullo Solidjonovich – "TIQXMMI" MTU, kafedra mudiri, t.f.d., professor.
21. Toirov Shuxrat Abduganiyevich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasi mudiri, t.f.f.d. dotsent.
22. Yusupov Rustam Abdimuratovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasi, t.f.f.d., dotsenti.
23. Nazarov Xolmo‘min Abduxobovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasi, f.m.f.n. dotsent.
24. Olimov Sodiq Anvar o’g’li – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasi, p.f.f.d., dotsent.
25. Asrayev Muhammadmullo Abdulla o‘g‘li – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasi, t.f.f.d., dotsent.
26. Yunusova Shaxnoza Muxamedumarovna – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi, f.f.f.d., dotsent.

Texnik xodim: Azimova Durdona Azam qizi

MUNDARIJA

Чертовицкий А.С, Нарбаев Ш.К, Ахмаджонова Ш	Оценка эффективности использования земель сельскохозяйственного назначения в регионе: методический аспект	5
Вахобов А.Р	Агросуғуртанинг халкаро стандартларини жорий этиш масалалари	16
Mamatov M.N	Sport sohasini moliyalashtirishning o‘ziga xos xususiyatlari	21
Primova Sh.K	Buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishning audit sifatiga ta'siri	33
Abdirakhmonov A.T	Appreciative leadership and its importance in organization development (od)-application to uzbekistan	42
Каландаров А. Б	Банкларнинг муаммоли кредитлар билан ишлаш амалиётини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари	49
Mamajonova M.M	Impact without mass: divergent research signals for Uzbek universities in the THE and QS World University Rankings 2027	58
Saidaxmedova N.I, Norbekova N.M	Postindustrial transformatsiya sharoitida oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashning nazariy-metodologik kategoriyalari, mezonlari va indikatorlari	74
Sharipov Sh.X	Respublika va xorijda qo’llanilayotgan purkagichlar konstruksiyalarining tahlili va yangi model uchun optimal turini tanlash	81
Usarov J.A	Boshqaruv servis kompaniyalarida majburiy badallarni undirish jarayonining raqamlashtirilganlik darajasini kompleks baholash	92
Usarov J.A	Boshqaruv servis kompaniyalarida qarzdorlikni raqamli monitoring qilish va risk bo‘yicha segmentatsiyalash mexanizmi	105
Axrorov M.Sh	Nasos stansiyalarining energiya samaradorligini sun’iy neyron tarmoqlari asosida optimallashtirish	114

АГРОСУҒУРТАНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Вахобов Абдурашид Расулович
"Тошкент Менежмент ва иқтисодиёт институти" нодавлат олий таълим муассасаси Иқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

Аннотация:
Мазкур мақолада аграр соҳада суғурталаш механизмининг хорижий мамлакатлар тажрибаси, ушбу соҳада мавжуд муаммолар ва суғурта механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

В данной статье изложены опыт зарубежных стран и механизм страхования в аграрной сфере, рекомендации по существующим проблемам в этой сфере и совершенствованию механизма страхования.

Abstract: This article outlines the experience of foreign countries and the mechanism of insurance in the agricultural sector, as recommendations regarding existing issues in this sector and the improvement of the insurance mechanism.

Калит сўзлар: Суғурта пули (бирлашмаси). Суғурта шартномаси, Суғурта қиймати, Суғурта товони, Суғурта таваккалчиликлари, Суғурта мукофоти, Суғурта суммаси. Субсидия

Ключевые слова: Страховая сумма (объединение). Страховой договор, Страховая стоимость, Страховое возмещение, Страховые риски, Страховая премия, Страховая сумма. Субсидия

Keywords: Insurance Amount (combined). Insurance Contract, Insurable Value, Insurance Compensation, Insured Risks, Insurance Premium, Insurance Amount. Subsidy

Кириш

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу соҳа асосан давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмига асосланган.

Халқаро амалиёт қишлоқ хўжалик хатарларини суғурталашнинг давлат-хусусий шерикчилик (PPP – Public-Private Partnership) форматидаги самарали моделларни ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда.. Бугунги кунда халқаро амалиётда ушбу моделнинг 5 турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар: а) АҚШ; б) Канада, Исроил; в) Испания, Туркия; г) Австрия, Швейцария ва д) Германия моделларидир.[4,17]

Адабиётлар тахлили ва методлари.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси юзасидан бир қатор олимлар, жумладан: А.Ядгаров, А.Нуриллаев, Ҳ.Рахимов, К.Кундузова, У.Ширинов, С.Абдусаидовлар илмий изланишлар олиб боришган.

Ушбу моделлар ичида самарали ишлаб келаётгани Испания ва Туркия моделларидир.

Ушбу мамлакатлар тажрибаси асосида узоқ йиллар давомида шаклланган давлат ва хусусий секторнинг ўзаро самарали хамкорлигига асосланган. Испанияда “Agroseguro (27 та суғурта компанияларни ўз ичига олади), Туркияда эса TARSIM (15 та суғурта компаниялари) ихтисослашган ташкилоти орқали самарали тизим йўлга қўйилган.

Давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган Суғурта пули (бирлашмаси) ёрдамида субсидиялар бериш орқали суғурта қийматини пасайтириш, суғуртанинг кўламини ошириш; фермерларни фалокатли хатарлардан ҳимояланганлиги; қишлоқ хўжалиги суғурта тизимини узлуксиз ва режали ривожланиши ҳисобланади. Ҳозирги кунда Туркия модели асосида МДҲ мамлакатларидан Озарбайжон Республикасида қишлоқ хўжалиги суғуртасини самарали тизим жорий этилган.

Асосий натижалар.

Хорижий мамлакатлар амалиётида кредитларни суғурталаш туридан деярли фойдаланилмайди ва асосан кредит маблағлари таъминоти сифатида бўлғуси ҳосилни суғурталаш амалиёти кенг жорий этилган.

Жумладан: Испания. 1978 йилда Испанияда “Seguros Agrarios Combinados” миллий агросуғурта дастури ташкил этилди, мазкур дастур махсус ташкил этилган Agroseguro давлат-хусусий шерикчилиги томонидан амалга оширилади (бугунги кунда 27 та суғурта компаниясини ўз ичига оладиган суғурта бирлашмаси).

Компания имзоланган барча суғурта шартномаларини бошқаради, суғурта шартномалари бўйича етказилган зарарларни баҳолайди ва суғурта товонларини тўлаб беради. Ушбу компания доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштирувчилар учун 100 дан ортиқ суғурта маҳсулотлари таклиф этилади. Фермерлар маҳсулот ишлаб чиқаришда фаол иштирок этадилар.

Испанияда фермерларнинг 70 фоиздан ортиғи, қишлоқ хўжалиги экинларининг 90 фоизи ва ҳайвонларнинг 70 фоизи суғурта қилинади. Испания ҳукумати қишлоқ хўжалиги экинлари ва ҳайвонларни суғурталашни субсидиялаштиради. Ўртача субсидиялар суғурта мукофотларининг умумий ҳажмининг 53 фоиз даражасида. Улардан 40-45 фоизи марказий ҳокимият томонидан ва 10-15 фоизи - худудий ҳукуматлар томонидан субсидия қилинади. Катастрофик зарарлар биринчи навбатда экинлари ёки ҳайвонларини суғурта қиладиган фермаларга тўлаб берилади. Барча рисклар давлат қайта суғурта компанияси орқали қайта суғурталанади.

Туркия. 2005 йилда давлат ва хусусий суғурта компаниялари ўртасидаги ўзаро келишувга асосан аграр суғурта бирлашмаси (ПУЛ) ташкил этилди, унинг бошқаруви ТАРСИМ компанияси томонидан амалга оширилади.

Пулни яратишнинг асосий мақсади мамлакатнинг қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини ривожлантиришда давлатнинг ролини ошириш, шунингдек давлат томонидан аграр соҳани қўллаб қувватлашни янада кенгайтириш, суғурта маҳсулотларини субсидиялаш шакли орқали агросуғурта соҳасига кириб бориш ҳисобланади. Фермерлар тўғридан-тўғри ТАРСИМга мукофотларни тўлайдилар ва давлат томонидан ҳам субсидиялар (50-66%) ТАРСИМга ўтказиб берилади. Суғурта тўловлари ТАРСИМнинг таркибига кирувчи суғурта компаниялар томонидан амалга оширилади. ТАРСИМнинг яна бир функцияларидан бири бу рискларни қайта суғуртага жойлаштириш ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари туфайли қишлоқ хўжалигини суғурталашнинг қамрови баъзи ҳудудларда 45 фоиздан юқори, баъзи жойларда эса 5 фоиздан юқори. Туркияда суғурта қилишга оид асосий қишлоқ хўжалик экинларига қуйидагилар киради: буғдой, помидор, зайтун ва узум. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари суғурталашлари мумкин бўлган экинлар рўйхати, 36 та маҳсулотни ўз ичига олади.

Озарбайжон Республикасида 2002 йилда Аграр соҳада субсидиялаш тўғрисида қону кабул қилинган.Ушбу қонунда қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича суғурта мукофотларини субсидиялаш кўзда тутилган.

2016 йилда Қишлоқ хўжалги вазирлиги томонидан “Қишлоқ хўжалиги суғуртасини ислоҳ қилиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган.

Бу орқали қишлоқ хўжалигини суғурталашнинг тижорат шаклидан, нотижорат шаклига ўтилган.

Мухокама

2020 йилда Нотижорат шаклидаги Қишлоқ хўжалигини суғурталаш органи “Аграр суғурта фонди” ташкил этилган. Ушбу фонд қишлоқ хўжалиги суғуртасида давлат сиёсатини олиб боради ва тартибга солади.

-Қишлоқ хўжалиги суғуртаси билан шуғулланувчи воситачи суғурта компаниялари ҳозирги кунда 7 та суғурта компания фаолият юритади ва улар фақат воситачи вазифасини бажаради, яъни фермерлар билан суғурта шартномаларини Аграр суғурта фонди номидан тузади ва тушган суғурта мукофотларидан 15 фоиз воситачилик хақи олади.

Ушбу 7 та суғурта компнаиялари тенг улушдаги таъсисчилиги асосида Бошқарув компанияси ташкил этилган бўлиб, ушбу компания мижозлар билан суғурта шартномаларини тузиш ишларини тарғибот қилади. Шартномаларни тўғри тузилишини назорат қилади.

2021-2025 йилларда қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича тузилган суғурта шартномалари сони динамикаси.

Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2025 йилда 2024 йилга нисбатан (+;-)
Суғурта шартномалари сони (дона)	51 164	14 030	1 217	458	698	240
Суғурта мукофотлари (млн.сўм)	93 809,7	55 40,9	2 527,3	3 594,8	2655,5	-939,3
Суғурта товонлари (млн.сўм)	64 644,2	44 739,8	7 747,9	6 960,7	983,1	5977,6
Зарарлилилк даражаси %	68,9	80,6	306,6	193,6	37.0	-156.6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2025 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича тузилган суғурта шартномалари сони ўтган йилга нисбатан ортган бўлсада, 2021 йилдан 2024 йилгача камайиш тенденцияси кузатилган. Шунингдек тўланган суғурта товонлари ҳажми ҳам кескин камайиб кетган. 2021 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилига табиий офатлар натижасида етказилган 64.6 млрд сўм зарар қоплаб берилган бўлса, 2025 йилда 983.1 млн сўм миқдорида суғурта товонлари тўланган холос.[3,11]

2025 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида» ги конуни муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунга кўра қишлоқ хўжалиги субъектларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта мукофоти учун тўлов харажатларини 50 фоизини, бироқ суғурта суммасининг 4 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги субъектларини турли табиий офатлардан суғурта қилиш учун имконият яратади.

Хулоса.

Шу боис иқлим ўзгаришлари шароитида аграр соҳани баркарор ривожлантиришда суғурталаш механизмини ролини ошириш борасида қуйидагиларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

-бозорда ишлайдиган барча суғурта компаниялар учун бир хил бўлган, қишлоқ хўжалик суғуртасини содда ва ошкора қоидаларга мувофиқ субсидиялашни таъминлаш;
-актуар ҳисобларни ўтказишни молиялаштириш;
-суғурта инфратузилмаси объектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитни шакллаштириш;
-янги, ноанъавий суғурта махсулотларини ишлаб чиқишни қўллаб қувватлаш;
-ишлаб чиқарувчилар ва суғурта мутахассисларини ўқитишни молиялаштириш;
-об-ҳаво шароитини кузатишнинг миллий тизимини ривожлантириш;
-экинлар ҳолатини мониторингини ўтказиш ва зарарларни баҳолашнинг стандарт қоидаларини ишлаб чиқиш.

Юкоридаги тавсияларни амалиётга жорий этиш аграр сохада сугурта хизматлари кўламини ошириш ва сифатини яхшилашга хизмат килади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида» ги қонуни. Тошкент шахри ЎРҚ-156.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги 108-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2024 й., 07/24/108/0171-сон;

3. Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятининг 2019-2023 йил хисобот маълумотлари https://agros.uz.

4.Щербаков В.В. Партнерство государства и бизнеса в страховании сельскохозяйственных рисков: вызовы нового времени и перспективы развития. Монография. М., Дашков и К, 2011.

Ingliz tili muharriri: Norbekov Shohzod Mamarasul o‘g‘li
Musahhih: Vahobova Marfua Mirkamalovna
Sahifalovchi va dizayner: Azimova Durdona Azam qizi

2026. № 3

© Materiallar ko‘chirib bosilganda **“Management and Economics Scientific Research Journal”** jurnali manba sifatida ko‘rsatilishi shart.
Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma’sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.
Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.
El. pochta: journals@timeedu.uz
Tel.: +998 95 651 90 00

“Management and Economics Scientific Research Journal” jurnali 19.09.2024 yildan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 404368-son reyestr raqami tartibi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazilgan. Litsenziya raqami: C-5669639
PNFL: 308906510

Manzilimiz: *Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani Shota Rustaveli ko'chasi, 114*